ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ма...
Рос. давлат китоб палатаси ЎзССР
2909941

Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 14 сентябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. № 43 (6630).

«ТАФАККУР» ЖАМОАТЧИЛИККА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тошкентда янги журнал—республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази нашри «Тафаккур» журналининг тақдимоти бўлди. Маросимни республика Президентининг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст очди.

— Республика Президентининг Фармони билан «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилганидан хабарингиз бор, — деди у. — Фармонда мазкур марказ қошида журнал нашр этиш ҳам кўзда тутилган эди. Бугун ана шу «Тафаккур» журналининг нишона сони қўлимизга тегди. Бу адиблар, олимлар, зиёлилар, бутун жамоатчилик ҳаётида қувончли воқеадир. Ўйлаймизки, журнал жамиятнинг барча қатламларининг кучғайратини бирлаштиришга хизмат қилади, адолат тамойиллари ҳамма нарсадан устун бўлган маърифий жамият тузишимизда бизга йўлдош бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов журнал жамоасини, жамоатчилик вакилларини қувончли воқеа билан самимий қутлади.

Шунингдек, сўзга чиққанлар журналнинг нишона сони қисқа вақтда дунё юзини кўришида камарбаста бўлган ижодкорлар, журналистлар, айниқса, матбаа ходимлари меҳнатини таъкидладилар. «Тафаккур» фикр минбари бўлишига, бой маънавий меросимизни, асрий қадриятларимизни тарғиб этишига, теран тарихимизни ўрганиш, миллий мафкурамизни шакллантириш, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги фикру ўйларимизни, орзу-истакларимизни ўзида мужассам этишига ишонч билдирдилар.

Маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

ЎзА мухбири журнал бош муҳаррири Эркин Аъзам билан мазкур фикр минбарининг ташкил бўлиши ва фаолият йўналиши ҳақида суҳбатлашди.

— **Эркин ака, мамлакатимиз Президентининг республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва унинг «Тафаккур» журналини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо тез фурсат ичида аниқ самараси кўзга ташлана бошлади. Журнал дастлабки сонининг жадал суръатда тайёрланиб, нашрдан чиқарилиши ҳам зиёлиларимиз орасида мазкур Фармон ижросига катта аҳамият берилаётганининг исботи бўлса керак?**

— Шубҳасиз. Фармон халқимизда миллий қадриятларни англаш, истиқлол ғояларини қадрлаш, миллат ва юрт камолини ўйлаш ҳамда умумбашарий неъматларга интилиш ҳиссини янада оширди. Зиёлиларнинг маънавиятни юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатига янги куч бағишлади. Биз ана шу кайфиятни эътиборга олиб, «Тафаккур»нинг дастлабки сонини мустақиллик байрами кунлари чиқаришга жазм этдик.

— **Журнал нишона сонининг ғоявий йўналиши, мазмун мундарижаси қандай бўлди?**

— У муборак сана — Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллигига, қутлуғ истиқлолга бағишланди. Шу боис, унинг мазмун-мундарижаси истиқлол ғоялари, уч йилда эришган ютуқларимиз, миллат ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган. Журнални тайёрлаш жараёнида шунга амин бўлдикки, ватанимиз қисқа фурсатда ўн йилликларга татигулик йўлни босиб ўтибди.

Уч йил мобайнида юртимиз, миллатимиз учун янгилик бўлган, тарихий тараққиётимизда илк бор юз берган ҳодисалар беҳисоб экан. Биз барчасини кўриб-билиб, шоҳиди бўлиб юрганмиз. Аммо кўриш-билиш, шоҳиди бўлиш бошқа, ҳаммасини яхлит мушоҳада этиш, аҳамиятини англаш, ҳис қилиш бошқа экан. Истиқлол тадрижини журналнинг бир сонида тўлиқ акс эттириш — беҳад мушкул иш. Шунга қарамай, бу буюк ҳодиса тарихини, миқёси ва аҳамиятини баҳоли қудрат, нашр имконияти даражасида ифода этишга ҳаракат қилдик. Республика жамоатчилик вакиллари, уста рассом ва суратчилар, журналист ва ёзувчилар, матбаа ходимлари ҳам маслаҳат, ҳам амалий иш билан ёрдам бериб турди. Журнал фақат таҳририят ходимларининг ижод маҳсули эмас. Унда барча илғор зиёлиларнинг ҳиссаси бор.

Президентимиз Ислом Каримов журналга ишонч-эътибор билдириб, самимий табрик йўлладилар.

Нишона сонда Ватан истиқлоли миллий қадриятлар, маънавият, тарихимиз, миллат ва давлат тимсоллари, буюк аждодлар ҳақида мақола, шарҳ, суҳбат ҳамда ранг-баранг расм ва суратлар чоп этилган. Уларнинг барчасига тўхталиб ўтирмайман, ўқиб, хулоса чиқариш — ўқувчиларимизга тан.

«Тафаккур» — истиқлол фарзанди ва табиийки, унга хизмат қилади. Биласиз, инсон онги, тафаккури жамики нарсани қамраб олиб, тегишли хулосалар чиқаришга интилади. Худо хоҳласа, журналимиз ҳам шундай бўлади. Унинг учун иккинчи даражали мавзу йўқ. Аммо, биз ҳар бир ҳодисага истиқлол қадриятлари, ватан ва миллат манфаатлари, ислоҳотлар йўналиши нуқтаи назаридан ёндошишга ҳаракат қиламиз. Фақат ана шундай йўл тутилсагина, «Тафаккур» бурчини оқлаган фарзанд бўлади.

(ЎзА).



Республика ўқувчилар техник ижодиёти марказида ўқувчи-ёшлар тайёрлаган техник моделларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда бошланғич техник моделлаштириш, агросаноат ва мелиорация, қурилиш, само ва коинот, сув, ер техникаси, электроника ва радиотехникага доир моделлар намойиш этилди.

Ингилганларни бухоролик ижодкор ёшлар яратган «Ойда юрувчи машина», трактор, плуг, гербицид, самарқандлик ўқувчиларнинг сандиқча, автомобил ва роботлари, Тошкент вилоятилик ва тошкентликларнинг «Шатл» комплекси модели, елканли кемалар, трактор, цех, «Таймэр» соатлари ҳайратга солди.

МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Ўқувчилар ижоди ва меҳнати маҳсулини таниқли конструкторлар — «Космонавтика» федерацияси раиси ўринбосари, «Бойқўнғир» қурилиши фахрийлари шўъбаси раиси А. Л. Пенский, федерация раиси ўринбосари И. В. Красильников, федерация аъзоси С. И. Чинаев ва таниқли соз ясовчи уста Муҳаммадназир Юсуповлардан иборат ҳайъат аъзолари ҳолисанилло баҳоладилар.

Самарқандлик ўқувчилар биринчи, Тошкент вилояти ўқувчилари иккинчи, Тошкент шаҳри ўқувчилари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Кўргазмага қўйилган энг яхши иш соҳиблари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланадиган бўлди.

Кўрик-танлов мазмунли ва қизиқарли ўтди.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ЗАМОН ТАҚОЗОСИ

12 сентябрь куни Тошкентда «Ўзбекистонда 2000 йилга қадар менежмент таълими» мавзусига бағишланган халқаро симпозиум очилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги Европа ҳамжамияти комиссияси (тасис), шунингдек, Тошкентдаги бир қанча олий ўқув юртлари ҳамда Бельгиянинг Левен шаҳридаги католик университети ташкил этган. Симпозиум ишида ҳукумат тузилмалари, республиканинг илмий ва ишбилармонлар доиралари вакиллари, олий ўқув юртлари олимлари, хорижий мутахассислар қатнашмоқда.

Симпозиумни республика Бош вазирининг ўринбосари, профессор С. Саидқосимов очди. У «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида менежмент таълимининг аҳамияти» деган мавзуда маъруза қилди.

Беш кун давом этадиган мазкур симпозиумда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги йўлини батафсил муҳокама қилиш кўзда тутилган.

(ЎзА).

ЯНГИ МАКТАБ БИНОЛАРИ

Истиқлолимизнинг уч йиллик тўйи муносабати билан Хоразм вилояти Урганч туманидаги мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари ажойиб туҳфага эга бўлишди: Ғайбу қишлоғида Ҳофиз Хоразмий номидаги ўрта мактаб учун 1296 ўринли янги муҳташам бинони 167-қурилиш трести бинокорлари бунёд этишиб, фойдаланишга топширишди. Шунингдек, туман марказидаги Эгам Раҳим номидаги ўрта мактабнинг 844 ўринли янги биноси ҳам ниҳоясига етказилиб, унда янги ўқув йили машғулотлари бошлаб юборилди.

Туманда бошқа таълим муассасаларини ишга тушириш учун амалий тадбирлар кўриляпти.

Ғ. ЕҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

ДАРСЛИКЛАР—ОНА КИТОБЛАРДИР

Дунёда китоблар кўп. Лекин жамики адабиётлар орасида бир тури алоҳида ажралиб туради. Булар дарсликлардир. Уларни, таъбир жоиз бўлса, она китоблар дейиш мумкин. Боиси — ўқув адабиётлари ҳар қандай даврда, ҳар қандай жамиятда ҳам ёш авлодни илмлар оламига олиб кирувчи маёқ вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир давлатнинг юзини кўрсатувчи муқаддас омил ва бебаҳо мерос ҳисобланади. Айтайлик, ўқитувчи ўзига ёқмаган бадиий асарни бир карра ўқиб чиққач, қайтиб қўлига олмаслиги мумкин, лекин дарсликни-чи? Улардан, истайдими-йўқми, йиллар давомида иш фаолиятида фойдаланишга мажбур. Шунга кўра, илмий асосланган консепция ва дастур асосида узоқ йиллар фойдаланишга мўлжаллаб яратилмоғи керак. Айни чоғда ўзида миллий, умуминсоний қадриятларни мужассам этиб, мамлакат ўтмиши ва бугунини акс эттирмоғи, келажак учун хизмат қилмоғи лозим. Шубҳасиз, вақт ўтиши, шу аснода фан-техника янада ривожланиб борши, ҳаётда кескин ўзгаришлар рўй бериши туфайли дарсликлар ҳам фурсати билан янгиланиб, такомиллашиб боради. Бу эса ўқув адабиётларини яратувчи олимлар, зиёлилар, мутахассислар, мутасадди ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Сўнгги йилларда СССР, КПСС тарқаб кетди, мустақил Ўзбекистон жаҳон айвонига чиқди. Жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий, экологик ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Хўш, шундай экан, янги дарсликлар яратиш қай аҳволда? Уларнинг мазмун-савияси, мақсад-моҳияти бугунги кун талаблари даражасидами? Дарсликларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта ва мукаммал бўлишига халақит бераётган тўсиқлар нималардан иборат? Ўтган жума куни жумҳурият Халқ таълими вазирлиги Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Республика ўқув-методика маркази ҳамкорликда уюштирган «Умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган ўқув-методик мажмуалар яратиш муаммолари» мавзуидаги семинар-кенгаш худди ана шу масалаларга бағишланди.

Анжуманда халқ таълими мутасаддилари, олим-мутахассислар ҳамда дарсликлар муаллифлари иштирок этдилар. Ялпи йиғилишда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев янги дарсликлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ўқув-методик мажмуани яратиш ва ҳаётга татбиқ этишдаги ташкилий-бошқарув ва моддий-техник масалалар хусусида маъруза қилди. Бу жабҳада эришилаётган ютуқларни қайд этиш билан бир қаторда, йўл қўйилаётган хато-камчиликлар хусусида ҳам тўхталди. Жумладан, янги дарсликларнинг аксарияти ҳажман ўзини оқламаслигини, таржима қилинаётган ўқув адабиётлари ўқувчилар учун тушуниш қийин бўлган тилда ўзбекчага ағдарилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Ўқитувчи» нашриёти директори Олимжон Мирзаев бу фикрларни қўллаб-қувватлаб, кўл ёзмалар баъзан пала-партиш, хом-хатала ҳолда тайёрланаётганини, бу нашриёт ходимларининг унумли ишлашларига, дарсликларнинг ўз вақтида сифатли чоп этилишига салбий таъсир кўрсатаётганини айтди. РУММ директори Шомухтор Шомансуров дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган методик талаблар, ЎзПФИТИ директори Даврон Шодиев мажмуани тузишга доир педагогик масалалар хусусида фикр юритдилар.

Муҳокамаларда сўзга чиққан Тошкентдаги 49-мактаб ўқитувчиси М. Муҳамедова, тарих фанлари доктори, профессор Гого Ҳидоятов, бир неча дарсликлар муаллифи Отақўзи Азизов ва бошқалар ўзларининг жўяли таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Жумладан, ЎзПФИТИ адабиёт бўлими мудири, филология фанлари номзоди Қозоқбой Йўлдошев дарслик яратувчи муаллифларга моддий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг меҳнатларига яраша қалам ҳақи тўлаш жоизлигини эслатиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари ялпи йиғилишдан сўнг шўъбаларга бўлиниб иш юритдилар. Семинар ниҳоясида ўқув-методик мажмуаларни таълим давлат стандартларига ва ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларига мувофиқлаштириб тузиш, унинг бош мақсад-мазмунини теран белгилаш, самарадорлигини ошириш юзасидан келишилиб олинди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

БУ СИЗНИНГ КИТОБИНГИЗ: ЎҚИНГ, ЎРГАНИНГ, АВАЙЛАБ-АСРАНГ!

ЖУҒРОФИЯ

Умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. Муаллифлар Т. П. Герасимов, Г. Ю. Грюнберг, Н. П. Мерклюкова. Тиражи икки юз қирқ минг. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

ОНА ТИЛИ

6-синф учун дарслик. Муаллифлар А. Ҳожиев, А. Нурмонов, Н. Аҳмедов, А. Орифжонов. 1992 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан ўттиз минг нусхада чоп этилган. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

БИЛДИРИШ

Республика ижодкор ўқитувчилари ва тарбиячиларининг навбатдаги III анъанавий анжумани шу йилнинг 21 сентябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 1-мактабда бошланади.

Анжуман иштирокчилари Тошкент вилояти халқ таълими Бошқармасининг (Педагогика кўчаси, 64-уй) вилоят малака ошириш институти профилакториясига 20 сентябрь соат 17.00 гача жойлаштирилади.

21 сентябрь эрталаб соат 8.00 да Паркент туманига олиб борилади.

Ташкилий қўмита.

Мурожаат учун телефонлар: 39-16-65, 39-44-38.

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАРАДДУД

Янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаган Марҳамат тумани таълим муассасаларида қишки мавсумга ҳозирлик кўриш ишлари якунланиши арафасида. Мактабларда 31 та иситиш тизими, 6 та печка, боғчаларда эса 14 та иситиш тизими ва 3 та печка тахт қилиб қўйилди.

Енилғи жамғариш бўйича режалаштирилган ишлар ҳам поёнига етаётир. Мактаблар учун 103 минг сўмлик 1839 тонна кўмир, 70 куб метр ўтин келтирилди. Боғчалар учун режалаштирилган ёнилғи ҳозирланди: 510 тонна кўмир, 30 куб метр ўтин тайёрланди.

Ўқитувчи ва тарбиячиларга эса 850 тонна кўмир тарқатилди.

А. ЭРАЛИЕВ.

Истиқлол одимлари

ҚИШЛОҚДА «МАЪРИФАТ УЙИ»

Мустақиллик шуури, истиқлол нури ўлкамизнинг узоқ-узоқ гўшаларига ҳам кенг тарқалмоқда. Зангиота туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигининг 9-дала шийпони ўрнида «Маърифат уйи» бунёд этилди. Туман Меҳнат биржаси масъул ходими Комилжон Назаров қаровсиз қолган ва харобатга айланиб бораётган шийпонни обод қилиш, таъмирлаш — маънавият ва маданият ўчоғига айлантириш ташаббуси билан чиқди. «Наврўз» жамоа хўжалиги раиси, истиқлол жонкуяри — юртпарвар Боқижон Фозилов бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Комилжоннинг ёнига Абдуманноб Тошмуҳамедов, Алишер Маҳкамов, Зойир Содиқов ва Зафар Муҳсимов каби ёшлар киришди. Икки ой деганда шийпон таъмирланиб, оқланиб, кўкланиб, теварак-атрофлари тозаланиб, баҳаво, хушманзара маданият ва истироҳат масканига айланди: бино пештоқида «Маърифат уйи», хоналар эшиги тепасида эса «Ҳикматхона», «Қироатхона», «Маърифатхона», «Тўйхона» каби нишона битиклар пайдо бўлди.

«Маърифат уйи» теварагида «Шодлик» соғломлаштириш оромгоҳи бунёд этилади. Туман ёшлар ва ўсмирлар қўмитаси оромгоҳда теннис, волейбол, бадиий гимнастика, миллий кураш майдончалари ва чўмилиш ҳавзаси бўлишини режалаштирмоқда. Тадбиркор ёшлар саъй-ҳаракатлари натижасида «Янги гузар» бунёд бўлиши кутилмоқда.

«Озод ўлкам — обод ўлкам». Яқинда республикамизнинг уч йиллик тўйи муносабати билан туман ҳокимлиги ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази биргаликда ўтказган илмий-амалий анжуман шундай номланди.

Анжуман Зангиота туман ҳокими Баҳром Носировнинг табрик сўзи билан очилди. Марказ раиси академик Э. Юсупов «Халқ маънавияти — истиқлол негизи» мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х. Тўхтабоев элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ёшларимизнинг истеъдоди ва фидойи меҳнати ҳақида, таниқли адабиётшунос, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Иброҳим Ғафуров истиқлол маърифати, маънавий етуклик ва бутунлик ҳақида, шоир Хуршид Даврон миллий-маънавий қадриятлар ҳақида гапирди.

Анжуманнинг мушоира қисмида «Халқ сўзи» газетасининг бўлим бошлиғи, шоира М. Муродова, республика телерадио компанияси миллий мусиқа бўлимининг илмий ходимаси шоира М. Отажонова, республика нафис санъат мактаби муаллимаси — шоира, доцент М. Юсуповалар иштирок этишди.

Анжуман туман маданият уйи санъаткорларининг катта концерти билан тугади. Туманнинг «Каттақўрғон» даҳасида биринчи бор ташкил этилган «Маърифат уйи»даги дастлабки анжуман том маънода истиқлол базмига айланиб кетди; анжуманга келганлар зўр мамнуният билан қайтишди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАР ФИКРДА ФАОЛЛИК МУЖАССАМ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ ЎҚУВ ИИЛИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР БИЛАН БОШЛАНДИ

Андижон вилоятида 667 та умумтаълим мактаби, 34 та ҳунар-техника билим юрти, 14 та махсус интернат-мактаб, 4 та лицей, 8 та гимназия, 2 та ўзбек-турк лицейи фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йилгидек, вилоятда янги ўқув йилининг бошланиши қувонч ва ташвишларга бой бўлди. Мустақиллигимизнинг уч йиллик байрам-тантаналарида чалинган карнай-сурнай садолари мактаблар, билим юртлари, институтлар ҳовлисига кўчди. 2 сенябрь куни вилоят мактаблари, гимназия, лицейларга 400.000 дан зиёд ўқувчи қадам қўйди. Эндиги вазифа бу ёшларга «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида пухта билим бериш, уларни мустақил Ўзбекистонимизнинг етук фуқаролари қилиб тарбиялашдир. Шу мақсадда вилоят халқ таълими бошқармаси, айниқса, ўқитувчилар, тарбиячилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ўрнак олса арзийдиган тадбирларни амалга оширди. Жумладан, вилоят ҳокимлигининг бевосита моддий ёрдами туфайли халқ таълими ходимлари учун 6 та кўкрак нишони, пул мукофотлари билан таъсис этилган Кўпчилик туманлар, хўжалик ва ташкилотлар ўз ҳудудларидаги таълим муассасаси ўқувчилари учун алоҳида стипендиялар ташкил этганлар...

Биз Булоқбоши, Асака, Пахтаобод туманлари халқ таълими ходимлари ҳузурида бўлиб, уларнинг янги ўқув йилида ўз олдиларига қўйган вазифа ва режалари билан танишдик.

Ҳамиджон АБДУЛЛАЕВ, Булоқбоши туманидаги 3-ўрта мактаб директори:

— Асосий эътиборни айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитишга қаратмоқчимиз. Илғор педагогик тажрибаларни ўз шароитимизга мослаб ўзлаштиряпмиз. Ўтган ўқув йилида 5—«А» синфни математикадан чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитган эдик. Бу йил эса шу синф ўқувчилари юз фоиз гимназияга қабул қилиндилар.

Нурсулув ИЛЕСОВА, булоқбошилик боғча мудираси:

— Туманимиздаги 2-, 4-, 9-, 10-, 14-боғчалар жамоалари ёш авлодни тарбиялашда илғорликни қўлдан бермай келаётирлар. Айниқса, уларнинг 6, 7 ёшлиларини мактабга тайёрлаш бўйича амалга ошираётган ишлари диққатга сазовор. Лекин туманимизда болалар боғчаларини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхши эмас. Жумладан, гречка, шакар ва бошқа камёб маҳсулотлар керакли миқдорда етказиб берилмаяпти.

Тиловолди ЕҚУБОВ, Асака тумани ҳокими:

— Туманимизда аҳоли зич яшайди. Фарзандларимиз 50 та умумий таълим мактабларида билим олишади. Туман, хўжаликлар, ташкилотлар раҳбарлари ҳозирги қийин иқтисодий шароитда мактабларга тобора кўпроқ ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Мактабдан, боғчадан ўзини олиб қочадиган раҳбарларга орамизда ўрин йўқ. Ҳаммамиз ҳам мактабдан чиққанмиз. Давлат ва хўжалик уйларида яшовчи ўқитувчи ва тарбиячиларнинг уйлари юз фоиз хусусийлаштириб берилди. Имкониятга қараб ҳамма мактабларга фойдаланиш учун ер берамиз.

Ўктамбек КАРИМОВ, Асака туманидаги 14-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Камтарона меҳнатларимни инобатга олиб, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган Мамажон Абдурасулов номидаги мукофотга лойиқ кўрганлари учун миннатдорчилик билдираман. Мукофотдан руҳланган ҳолда бор билимим ва тажрибамни ёш авлодни миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз руҳида тарбиялашга сарфлайман. Мақсадим — мен тарбиялаётган ўқувчилар орасида бирорта ҳам бўш ўзлаштирувчи бўлмаса ва уларни таянч босқичдаги мактабга «4» ва «5» баҳолар, яхши хулқ-одоб билан кузатсам...

Баҳодир РАЖАБОВ, Пахтаобод тумани халқ таълими бўлими мудири:

— Президентимизнинг педагог-ходимларга яратиб берган имтиёзлари, уларни ёқилғи маҳсулотлари билан имтиёзли таъминлаш ҳақидаги фармонлари бизни масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлашга ундайди. 33 та ўрта таълим, 6 та тўлиқсиз ўрта таълим мактабимиз, ҳунар-техника билим юртимиз янги ўқув йилини тўлиқ тайёргарлик билан бошлади. 23 та мактабгача тарбия муассасасида туманимиз аҳолиси фарзандларининг 35 фоизидан зиёди тарбияланмоқда. Бугунгача барча таълим муассасаларимизни ўқув-ёзув қуроллари билан таъминлаб бўлдик. Навбатдаги вазифа таълим-тарбиядаги уйғунликка эришишдан иборат.

Биз Андижон вилояти шаҳар ва туманларида бўлиб ўтган ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари, уларда кўтарилган муаммоларни ҳамда таълимдаги янгиликларни батафсилроқ шарҳлаб беришни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўра ХАЛИЛОВдан илтимос қилдик:

— Бу йил август кенгашларини ўтказишни ноанъанавий йўналишдан бошладик. Марҳамат, Олтинкўл тумани, Марҳамат шаҳри ўқитувчилари ўз кенгашларини июнь ойида ўтказдилар. Бунинг афзал томони — янги ўқув йили бошлангунга қадар, яъни икки ой давомида кенгашда билдирилган танқидий фикрлар, муаммоларни ҳал этиш имкони бўлади. Ҳозир биз туман ва шаҳарларнинг август кенгашларида билдирилган танқидий фикр, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирмоқдамиз. Уларни тез фурсатларда ижобий ҳал этиш учун махсус тадбир ишлаб чиқамиз.

Замон билан ҳамнафас бўлиб, таълим соҳасида қўлланилаётган янгиликларни ўз фаолиятимизга дадил татбиқ қилмоқдамиз. Андижон, Марҳамат, Шаҳрихон шаҳар ва туманларида физика-математика, биология, чет тиллари ва халқ амалий санъати бўйича кенг билим берувчи лицейлар, Андижон, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Марҳамат, Избоскан, Балиқчи туман ва шаҳарларида ўзбек тили ва адабиёти, чет тиллари, математика фанларини чуқурлаштириб ўргатувчи гимназиялар очилган ва улар муваффақият билан фаолият кўрсатаяпти. Избоскан туманида вилоят «Нафис санъат» мактаби ташкил этилиб, у ерда ёшлар бадиий санъатнинг бир неча турлари бўйича билим олмоқдалар.

Вилоятда ўқитувчилар фаолиятига баҳо беришда унинг билим даражасини тест синовлари орқали аниқлаш, таълим муассасалари, туман, шаҳар ХТБлари фаолиятини рейтинг мезонлари орқали баҳолаб, уларни диагностик таҳлил қилиш ишлари билан ҳам қизиқдик. Бу ўқув йилидан бошлаб юз фоиз муаллимларни тест-синовларидан ўтказиш ва билим даражасини аниқлаш режалаштирилган. Вилоятнинг 245 та умумтаълим мактабларида 16 фандан 432 та чуқурлаштирилган ва табақалаштирилган синфлар ташкил қилиниб, уларда 11232 ўқувчи билим сирларини эгаллашмоқда. Вилоятнинг 89 нафар ўқувчиси республика ўқувчиларининг фанлар олимпиадаларида иштирок этиб, 14 нафари фахрли 1—3 ўринларни эгалладилар...

Янги ўқув йили бошланиб кетди. Андижон вилоятининг кўп минг сонли халқ таълими ходимлари ҳам бугунги кун талаблари даражасида билим бериш, вилоят халқ таълими ходимларининг республика миқёсида эгаллаб турган эътиборли ўринларини янада мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар.

Нурали ЖАЛИЛОВ, Республика Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг назоратчиси.

Лицейлар ҳаёти

ЧАҚНОҚ КЎЗЛАР

Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейида адабиёт ва санъат арбоблари, олимлар, турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Яқинда бу ерда Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ҳафталиги дастури асосида «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб номланган илмий-адабий кеча бўлиб ўтди. Унда ёш мусаввир Ҳайдар Санаев ва ижодкор ўқувчилар асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Таниқли рассом Неъмат Салимов ҳамда кўпчилик кеча қатнашчилари Тошкент театр санъати ва рассомлик институти ўқитувчиси Ҳайдар Санаев ижодининг ўзига хос, бетакрор хислатлари, айниқса, «Арк» суратини маҳорат билан яратгани, «Ибн Сино», «Улуғбек юлдузлари» суратларидаги нозик бадиийлик қирралари ҳақида ижобий фикрлар айтиб, рассомга ижодий ютуқлар тилади. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги мактаблар Бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Қосимов лицей ўқувчиларига республикамизнинг келгусидаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган илмли кишилар бўлиб етишишларида муваффақиятлар тилади.

Ўқувчилар ижодий ишлари кўргазмасидаги мўйқаламда яратилган турли мавзулардаги асарларни, наққошлик бўлими тўгараклари-да тайёрланган нафис қутичаларни меҳмонлар завқ билан томоша қилишди. Нафосат билан чизилган миниатюралар иқтидорли ёшлар санъат сирларини нақадар ихлос билан эгаллаётганликларидан далолат бериб турибди.

Лицей директори Сўлмас Султонов бу ерга пойтахтимиздаги лицей ва бошқа ўқув юртлари талабалари ҳам ташриф буюриб, вақтивақти билан уюштирилиб туриладиган кўргазмалардан баҳраманд бўлаётганликларини айтди.

Янги ўқув йилининг илк ҳафтасида уюштирилган илмий-адабий кеча ўқувчиларнинг билимга чанқоқликларини яққол кўрсатди.

Ғ. МАННОПОВ.

Суратларда: учрашув кечасидан лавҳалар.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.



МИЛЛИЙ ТАРБИЯ УФҚЛАРИ

ШУ ЙИЛ 16—17 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ САМАРҚАНДДА «ЎҚУВЧИЛАР ВА ТАЛАБАЛАРНИ МИЛЛИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Ўзбекистонимизда мустақиллик шарофати билан кўтарилган ва ўз ечимини кутаётган энг долзарб масалалардан бири — миллий истиқлол мафкурасининг илмий асосларини белгилашдир. Иккинчиси эса миллий мактаб умумий номи остида кўтарилган, ёш авлодни бундан буён қандай ўқитиш, қандай ғоя асосида тарбиялаш муаммоси. Халқ таълими вазирлиги раҳбарлигида дарсликларнинг янгиланаётганлиги, лицей, коллежларда иқтидорли ўқувчилар таълим олаётганлиги бу муаммоларнинг ҳал бўлишига бир қадар ҳисса бўлиб қўшилаяпти. Лекин ёш авлодни қандай ғоя асосида тарбиялаш муаммоеининг ҳали назарий-илмий, миллий истиқлол мафкурасига ҳамоҳанг, ҳар томонлама пухта ечими таклиф қилингани йўқ. Демак, ҳозир «Ўзбекистон ўқувчилари ва талабаларини тарбиялаш тизими, унинг мақсади, моҳияти қандай?» деган саволга аниқ жавоб йўқ. Буни биз ўқитувчилар орасида тарқатган саволларимизга олинган жавоблардан ҳам сезиб турибмиз. Ҳозир мактабда ўқувчилар қандай мақсадда тарбияланмоқдалар, деган саволга 423 ўқитувчи, синф раҳбари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси 423 хил жавоб берди. Демак, собиқ коммунистик тарбия назарияси, тизими ўрнини тўлдириши лозим бўлган янги назарияни, методологияни, услубиятни барпо қилиш, энг аввало, педагог-олимларнинг вазифаси ҳисобланади.

Камчилик-нуқсонларнинг бош сабабларидан бири — Ўзбекистонда педагогика фани республикада содир бўлган оламшумул воқеа — истиқлол ва уни педагогик талқин қилишга назарий жиҳатдан тайёр эмаслигидир. Профессор К. Юсуповнинг «Ўзбекистонда педагогика илмининг истиқболи»-мақоласида («Маърифат», 1994 йил 9 февраль) бу ҳақда батафсил сўз юритилган эди. Педагогика тарбия борасидаги ягона фан экан, у ҳаётдан олдинда юриб, ёшлар тарбиясини жамиятнинг янги талаблари асосида ислоҳ қилиб, тезкор чоралар кўра билмоғи керак. Акс ҳолда у мустақил Ўзбекистон олдидаги ўз истиқлолий вазифасини бажара олмайди.

Тарбиянинг илмий, бошқарилувчи, аниқ мақсад сари йўналтирилган жараён эканлигини англаш ва англатиш долзарб вазифалардандир. Ўзбекистон мактабларида собиқ совет мактабидан қолган мерос — «оғзаки тарбия», тасодифийлик, насиҳатбозликдан бутунлай воз кечиш керак. Тарбия жараёни ҳаётий, амалий хусусият касб этмоғи лозим.

Ўқитувчи-тарбиячиларимизда тарбия назарияси, услубияти, психологияси, социологияси, технологияси ҳақидаги билим, малака, кўникмалар ниҳоятда паст. Шунинг учун ҳам «Тарбия натижаларини Сиз қандай сарҳисоб қилмоқдасиз?» деган саволимизга кўпчилик «уни сарҳисоб қилиб бўларканми, тарбиямиз натижаларини ҳаёт кўрсатади», дея жавоб берди. Ваҳоланки, тарбиялашганликни аниқ қайд қилиш мумкинлиги бундан 70 йил олдин ҳам маълум эди. Ҳамма иллат тарбияни ноилмий тушунишда бўлса керак.

Дунёвий тажриба собиқ мустамлака мамлакатлар босиб ўтган миллий-маънавий, маърифий тараққиётнинг уч йўли мавжудлигини кўрсатади. Булар миллий-маданий **фундаментализм,** миллий-маданий **реформизм,** миллий-маданий **модернизм** кабиларидир. Кўриниб турганидек, бизнинг йўлимиз — миллий маънавий ва маърифий тараққиётнинг, тарбиянинг миллий **модернистик** тарзидир. Зеро, бу бир томондан ўзининг тарихий ўзагига эга (жадидчиликнинг маърифий шиори ҳам янги усулда таълим ва тарбияни Оврупо тараққиётига мослаштириш эмас, балки Оврупо цивилизациясини ўрганиб, уни миллий маданиятга хизмат эттириш эди). Иккинчи томондан миллий давлатчилик, мустақиллик, миллий хусусиятларимизни ривожлантириб, жаҳон ҳамжамиятида тенглардан тенгига айлантириш ҳаракати ва бошқаларда намоён бўлади. Ана шуларнинг ўзи ҳам бизнинг нафақат бозор иқтисодиётига ўтишда, балки тарбияда ҳам бой меросимиз борлигини ва уни ўрганиб, замонавий шароитга мослаштириб, ривожлантириб боришимиз лозимлигини белгилаб беради.

Педагогик қиёслаш услуби ҳам тарбиядаги ўз йўлимиз мавжудлигини яққол кўрсатади. Ҳозирда собиқ совет республикалари маориф тизимларида тарбиянинг турли педагогик концепциялари, назариялари ишлаб чиқилмоқда. Ёш авлодни миллий маданият асосида тарбиялаш умуминсоний аҳамиятга эга. Ахлоқий қадриятларни ўрганиш бўйича мутахассис Г. Массон (АҚШ) бу ҳақда шундай ёзади: «Кўпчилик америкаликларда ўзаро муносабатлар ўзагининг одоб, андиша каби одамлар жамиятини мустаҳкам сақлаб турувчи асослари йўқолганлиги сабабли ўкинчли туйғу пайдо бўлди. Бу аҳволнинг сабабини америкаликлар миллий қадриятларнинг ялпқ емирилиши, бузилишида, яъни одамларга қачонлардир хос бўлган олийжаноб ва ахлоқий турмуш тарзининг йўқотилганлигида деб билмоқдалар». Бу аҳволнинг маърифий сабабларидан бири — жаҳон миқёсида мактабнинг инқирозга учраганлигида — унинг фақат таълим масканига айлантириб қўйилганлигида, деб топилмоқда.

Хуллас, шахснинг миллий замонавийлиги абадий, инсонпарварона тамойил сифатида назарий асосланганлигидан келиб чиқиб, мактаб тарбиявий ишлари миллийликни, замонавийликни, истиқлол ғояларини ўзининг шахсий эътиқодига айлантира олган ўғил-қизларни шакллантиришга қаратилмоғи керак.

Бироқ бу йўлда айрим қийинчиликлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг биринчиси — дунёқараш, мафкурамизни миллий истиқлолий ислоҳ қилишдир. Чунки орамизда ҳали ҳам миллийликни миллатчилик, қолоқлик деб, номиллийликни байналмиллаллик деб тушунувчи кишилар, ҳатто зиёлилар учраб туради. Бу миллийликнинг моҳиятини тубдан нотўғри тушунишдир ва ундан қанча тез қутулсак, маънавиятни ислоҳ қилиш шунча тезлашади.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ирқий, жинсий, биологик антропологик хусусиятларга эга. Болалар 1—2 ёшга тўлганда биз уларда илк миллий-маданийлик нишоналарини кўра бошлаймиз. Чунки уларда шаклланаётган психология, онг, тил маънавият, дунёқараш бизнинг хоҳишимиздан ташқари ҳолатда миллийдир. Бу хусусият — тарбиянинг **бизнинг хоҳишимиздан ташқари** миллий хусусиятга эга эканлиги дунё инсоншунослик фани томонидан исботланган.

Шу ўринда собиқ иттифоқнинг «қайта қуриш» даврида совет ижтимоий фанларида, хусусан, педагогикада пайдо бўлган «умуминсонийлик» тушунчаси тавсифталаб бўлиб қолади. Миллий истиқлолий тарбия жараёни, унинг мақсадига илмий тушуниш нуқтаи-назаридан қаралса, умуминсоний қадриятлар ҳар бир инсоннинг биологик, моддий, саломатлик манфаатларини ифодалайди. Урф-одат, тил, психология, миллий одоб, мафкурада эса ягона, намунавий умуминсонийлик (умуминсоний тил йўқ) бўлиши мумкин эмас. Чунки «инсоният — бу халқлардир» (этнографик принцип), халқлар эса — бу турли тил, урф-одат, маданият ва тарбия тизимлари демакдир. Шунинг учун умуминсонийликни турли миллий тил, маданиятларни бирхиллаштириш (социалистик интернационализмга айлантириб) эмас, балки ҳар бир миллий маданиятни такомиллаштириш орқали уларни уйғунлаштириш деб тушунмоқ керак. Бунинг ҳуқуқий кафолатлари Ўзбекистон Конституциясида берилганлигини алоҳида қайд этмоқ керак.

Надоматлар бўлсинки, ҳозирги собиқ иттифоқдош республикалар ёшларининг маълум бир қисми онгида Ғарбий Европа, Америка маданиятини умуминсоний маданият сифатида тушуниб, уларга тақлид қилиш мавжуд. Ҳатто «цивилизация» сўзини Ғарб маданияти, деб тушунувчилар ҳам бор. Ўтган асрларда мустамлакачиларнинг орзуси ҳам «ерли халқ»ларга мана шу эътиқодни сингдириш эди.

Биз — шарқликлармиз ва Шарқ — кўҳна тараққиёт, маданият ватанидир. Биз бугун истиқлолга эришган, озод, ривожланган мамлакатлар қаторида туришга қодир Ватан қурмоқдамиз. Бу ўринда Миллийликни миллатчиликка, номиллийликни байналмилалчиликка йўйиш ярамайди. Қолаверса, бу эндигина оёққа тураётган миллий истиқлол мафкурамизга мутлақо зид, ғайриилмий қарашдир. Чунки миллий руҳда тарбияланган шахсга хос: миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, каби фазилатлар миллий туйғуга бевосита боғлиқ ва бир-бирига тайяниб, буюк яратувчи маънавий кучга айланадилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон педагогикаси, маърифати ўзида миллий ғурурни, ватанпарварликни, миллатлараро мулоқот маданиятини ва миллий мафкуравий онгни уйғунлаштирган, тараққийпарвар, комил инсонни шакллантиришга қаратилиши керак.

Миллий тарбия шундай бир ижтимоий-маънавий, маърифий жараёнки, у ўз миллий маданиятининг тарих синовидан ўтган энг яхши анъаналарига содиқ ворисларини шакллантириши лозим.

Миллий тарбия халқ ва илмий педагогика ютуқларига асосланганлиги, ўз мақсад, мазмун, шакл ва воситалари билан бошқа тарбиявий тизимлардан фарқ қилади. Зеро, педагогикадан бошқа фан бу ишга қодир эмас. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади». Ҳар бир жамият ахлоқи, маънавияти бундан 10—20 йил олдинги ва ҳозирги тарбия жараёни натижасидир. Демак, миллий истиқлолий тарбия бундан 10—20 йил кейинги маънавият даражасини белгилайди. Шундай экан, ҳозир фарзандларимизда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот маданиятини, миллий мафкуравий онгни шакллантиришни Давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида билиб, Ўзбекистон педагогика фани, тарбия назарияси, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тарбиявий ишлар тизими миллий истиқлолий тарбия билан ислоҳ қилиниши керак. Негаки, А. Авлоний айтганидек, «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур».

Муҳаммад ҚУРОНОВ, педагогика фанлари номзоди.

121-махсус мактаб-интернат 40 ёшда

МЕҲР МАСКАНИ

Мактаб-интернатимиз 1954 йилда очилган бўлиб, унда кўзи ожиз болаларга брайл шрифти асосида сабоқ ўргатилади. Жамоамизда ўзбек, қозоқ, рус, қорақалпоқ, татар сингари турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилишмоқда. Билим масканидаги 41 ўқитувчи ва тарбиячидан 20 нафари олий маълумотлидир.

Мактаб-интернатнинг фаол, зеҳнли ўқувчиларидан Саъдулла Сафаев математика фани бўйича ўтказилган вилоят танловида бир неча бор ғолиб чиқиб, кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлариаро ўтказилган республика танловида иштирок этди. У вилоят ҳокимияти ва Республика Халқ таълими вазирлигининг дипломлари ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. С. Сафаев мактаб-интернатни битиргач, Урганч давлат дорилфунининг математика факультетига имтиёзли равишда имтиҳонсиз қабул қилинди.

9-синф ўқувчиси Очилбек Матчонов нафақат вилоятимизга, балки республикамизга ҳам ўзининг ёқимли овози ва жарангли дутори билан танилмоқда. Очилбек 1990 йили ўтказилган республика кўзи ожизлар мактаб-интернатлари «Санъат байрами»да, Хива шаҳрида ўтказилган «Хушовоз—90» танловида, 1991 йил май ойида Киев шаҳрида бўлган болалар фольклор ансамблари фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. 1992 йилда Тошкентда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқлари дўстлигига бағишланган ҳаваскор халқ оғзаки ижоди **жамоаларининг** «Дўстлик тароналари» фестивалида ҳам фахрли ўринга сазовор бўлди.

Билим масканида 6 та фан тўгараги ҳамда спорт секциялари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказиб турилибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилганидек, мактаб-интернатимизда ўқувчиларга таълим бериш билан бирга уларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича ҳам талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Қобилиятли ўқувчилар тўқувчилик ва тикувчилик сингари ҳунарларни ихлос билан эгаллашмоқда. 6 та поёндоз тўқиш ва 2 та кўрпа-тўшак тикиш дастгоҳлари ўрнатилган цех мунтазам ишлаб турибди. 1992—93 ўқув йили давомида 500000 сўм-купонлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, олинган даромаднинг маълум қисми ўқувчилар ётоқхонасини жиҳозлаш учун ишлатилди.

Мураббийлардан Ҳалима Салаева, Кўпал Эгамовлар ўқувчиларга қунт ва сабот билан ҳунар ўргатишаётир. Шу даврга қадар 300 дан ортиқ ўқувчи мазкур билим масканини **битириб,** бугунги кунда халқ хўжалигининг турли жабҳаларида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Жумладан, **Ҳамидулла Ҳабибуллаев** тарих фанлари номзоди, Саттор Қурбонов аспирант. **Собиқ ўқувчиларнинг** аксарияти Хива, Урганч, Қорақалпоғистондаги кўзи ожизлар корхоналарида фаолият кўрсатиб, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга муносиб ҳиссаларини қўшяптилар.

Юбилей муносабати билан интернатда **катта** музей ташкил қилинди. Унда интернатнинг ташкил топган **кунидан** то бугунгача бўлган фаолияти акс эттирилган. Нодир ҳужжатлар, **фотосуратлар,** фахрий ёрлиқлар, кўзи ожиз ўқувчилар ишлаган буюмлардан намуналар музейдан ўрин олган.

Жамоамиз бундан кейин ҳам болаларга таълим-тарбия бериш соҳасида **илғор тажрибаларга суянган ҳолда** ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

Полвонназар ОТАЖОНОВ, Хива шаҳридаги 121-махсус мактаб-интернат директори.

СИНОДАН САБОҚ, БЕРУНИЙДАН БАҲРА ОЛИБ

ФИЗИКА ФАНИНИҢ ЎҚИТИШГА ОИД ЯНГИЛИКЛАР

«Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан ўтган ўқув йилидан бошлаб мактабларда янги таълим тизимига босқичма-босқич ўтила бошланди. Чунончи, 1993—94 ўқув йилида таянч мактабининг 5-синфлари янги дастурлар асосида ўқитилди. Бу синфлар 1995—96 ўқув йилидан 7-синфга ўтадилар. Улар физика фанини янги дастур асосида ўрганадилар.

1994—95 ўқув йилида ўрта таълим мактабларининг 7—11-синфлари ўқувчилари физика фани бўйича 1992 йилда нашр қилинган амалдаги дастур асосида ўқитилади. Ўқиш мазмуни ўзгармайди, лекин барча синфларда Абу Али ибн Синонинг «Ҳаракат. Ҳаракат турлари», Абу Райҳон Берунийнинг «Модда тузилиши. Жисмларнинг электрланиши. Сайёраларнинг қуёш атрофида айланиш траекторияси» каби аллюмалар асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1993—94 ўқув йилида ўтказилган анъанавий вилоят, республика олимпиадаси ва жойларда мазкур фаннинг ўқитилиши ҳамда ўқувчиларнинг билим даражаларини ўрганиш натижалари ўқувчилар онгига физикавий билимларни сингдиришда, уларни мантиқан фикрлашга ўргатишда, назарий билимларини мустаҳкамлашда амалий ишлар ва масалаларни ечишга алоҳида эътиборни қаратиш лозимлигини кўрсатди. 9-синфда «Ҳавонинг намлиги» мавзуидан сўнг «Сирт таранглик. Ҳўллаш. Капилярлик» номли мавзулар 1994—95 ўқув йилида ҳам шундай тарзда ўқитилади. Ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш билан бир қаторда ўқитувчиларнинг ўқувчиларга физик билимларни бериш, амалий ишларни ўтказиш, масалаларни қандай ечиш усулларини белгилашда тест синов топшириқларидан фойдаланиш лозим. Ўқув йили давомида ўқувчиларнинг тест топшириқларига жавоб бериш кўникмаларини ҳосил қилишда ўқитувчилар айрим мавжуд материаллардан ташқари РУММ физика-математика бўлими томонидан 7—11-синфлар учун кичик нашрда чоп этилган тест топшириқлари тўпламларидан ҳар чорак давомида фойдаланишни тавсия этамиз. 1994—95 ўқув йилида физика фанини ўқитиш мазмуни ўзгартирилмайди. У қайта кўриб чиқилиб, 1994 йили «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган А. Пёришкин, И. Роданиларнинг (7—8-синфлар учун), И. Кикоин (9-синф учун) ҳамда Т. Буховцевларнинг (10, 11-синфлар учун) физика дарсликларидан фойдаланилади. Имконияти бор жойларда Н. Шахмаев, Д. Шодиевларнинг (9—11-синфлар учун) физика дарслигидан қиёсий дарслик сифатида фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий, гуманитар йўналишдаги синф (мактаб)ларнинг 10-синфларида физика 2 соатдан, 11-синфларда 3 соатдан ўқитилиб ўрта умумтаълим мактабларининг дастурларидан фойдаланилади. Бунда қуйидагиларга эътибор беришни тавсия қиламиз:

— физикадан айрим бўлимларини маъруза кўринишида ўтиб, кўргазмали тажрибаларни албатта кўрсатиш зарур;

— амалий ва назарий ишларнинг мавзуси ва мазмунини кўриб чиқиб, айримларини имкониятига мослаб мавзусини, ҳажмини ва вақтини ўзгартириш мумкин.

Масалан, 10-синфдаги «Ўтказгичларни параллел улаш ва кетма-кет улаш» амалий ишини 1 соатда ўтиш мумкин. «Ток манбаининг Э. Ю. К. ва ички қаршилигини ўлчаш», 11-синфдаги «Ёруғлик тўлқинининг узунлигини дифракцион панжара ёрдамида ўлчаш», «Тайёр фотографиялар ёрдамида зарядли зарралар изини ўрганиш» мавзуларидаги амалий ишларни ўтказиш шарт эмас.

Физика чуқур ўқитиладиган мактаб (синф)ларга шу соҳага қизиқувчан ўқувчилар танлов асосида қабул қилиниб, махсус дастур асосида ўқитилади. Бундай синфларда физика ўқитилиши умумий ўрта таълим мактаблари дастури, соатлар ва мавзуларни ўтиш кетма-кетлиги билан фарқ қилади.

Физика чуқур ўқитиладиган синфларда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозимдир. Бундай мактаб (синф)ларда физика дарси ҳафтасига 6 соатдан ўқитилади. Шундан 11-синфларда ҳафталик 6 соатдан 1 соати астрономия фани учун ажратилади. Физика ўқитишда ўрта умумий таълим мактабларида физика фанини чуқур ўқитиш бўйича 1992 йилда чоп этилган физика чуқур ўрганиладиган мактаб (синф)лар учун чиқарилган дастурдан фойдаланилади. Ўқувчиларни назарий-амалий билимларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўқитувчилар ҳар бир мавзуни ёритишга ижодкорлик нуқтаи назаридан ёндошиши, кўпроқ ўқувчиларнинг ўзларини мустақил ишлашлари, амалий-назарий ва масала ечиш дарсларига алоҳида эътибор бериш, ҳар бир бўлимдан асосий материални ажратиш ва уни чуқурлаштириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дастур асосида мавзуларни режалаштириш тахминий бўлиб, ўқитувчи мавзуидаги айрим мавзулар тартибини ўзгартириши мумкин ва ўқитиш жараёнида тушунчалар, қонунлар, назариялар ва бир қатор физик ҳодисаларни умумлаштириш асосида ўқитишга эътибор қаратиш лозим.

Йўналишлар бўйича айрим фанлар чуқур ўқитиладиган, энди иш бошлаган мактаб(синф)лар ҳам физика чуқур ўрганиладиган 9—11-синф(мактаб)лар учун 1992 йилда чоп этилган дастурдан фойдаланадилар.

Гулсара САФОЕВА,
республика Ўқув-методика маркази физика-математика бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди,
Дилором МАҲКАМОВА,
шу бўлимнинг физика фани бўйича етакчи методисти.

Ўқув йили бошланиши биланоқ ўғил-қизлар фан асосларини чуқур ўргана бошладилар. Бунда Тошкент шаҳридаги 20-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Муаззам Мусахўжаева ҳамда жисмоний тарбия фани муаллими Очил Муҳаммадиевлар алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳар иккала муаллим билим соҳасида муваффақиятларга эришиш учун ўқувчилар билан якка тартибда машғулотлар ҳам ўтказаётирлар. Улар бу услубнинг яхши натижаларга олиб келишини ўз тажрибаларида аллақачон синовдан ўтказишган.

Суратларда: машғулотлар пайти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Акс садо

ДАВР ТАЛАБИГА МОС ЯНГИЛИК

Сешанбили газетамиз «Маърифат»нинг шу йилги 3 август сонида эълон қилинган «Таълим тизимида рейтинг» мақоласини ўқиб, ўзимда катта масъулият ҳисси уйғонганини сездим.

Дарҳақиқат, ўқитувчи ва раҳбар ходимларни ҳам элакдан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб, ҳаққоний таҳлил этиш пайти етиб келди. Ахир 2—3 йилдан бери олий ва ўрта махсус ўқув юртига не-не орзу-умидлар билан бораётган йигит-қизларимиз тест усулида имтиҳон топширишади-ю, нима учун уларга қай даражада таълим-тарбия бераётган ҳамкасбларимизнинг педагогик маҳорати рейтинг мезонлари асосида баҳоланмайди?

Ҳунар-техника билим юртларида ҳам минглаб умумтаълим фан ўқитувчилари, махсус фан муаллимлари, амалий таълим усталари мустақил республикамизнинг келгусида янада гуллаб-яшнаши, қудратли давлатга айланиши йўлида фидокорона меҳнат қиладиган ҳақиқий касб эгаларини тайёрлашади. Шундай экан, ўқитувчи-уста ҳам ҳар томонлама камол топган, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган, қолаверса, таълимнинг жаҳон андозалари асосида иш олиб борадиган ва талабга жавоб берадиган бўлмоғи зарур.

Тест синови ва рейтинг мезони ҳар бир ўқитувчидан, раҳбардан, устаю тарбиячидан, ўз вазифасига, ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади. Унинг яна бир аҳамиятга молик томони шундаки, ўқитувчини таълим-тарбия соҳасида жаҳондаги энг илғор давлатлар билан ўқитишни юқори даражага кўтаришда рақобат қилишга даъват этади. Бунга биз босқичма-босқич эришмоғимиз керак.

Менимча, ҳар ўқув йилининг охирида ўқитувчи ва тарбиячилар, таълим муассасалари раҳбарлари таътил олдидан тест синовларидан ўтказилиб, уларнинг фаолияти рейтинг мезонлари асосида баҳоланса ва педагогик жамоа ўртасида ошкора таҳлил қилинса, айни муддао бўларди. Шу боис Хоразмда бошланган ҳайрли янгилик республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида кенг қанот қоқишига тилакдошман.

Х. МУҲАММАДИЕВ,
Ангор туманидаги 27-ҳунар-техника билим юртининг олий тоифали тил-адабиёт ўқитувчиси.

Ўқитувчига ёрдам

АДАБИЙ ТАҲЛИЛ САМАРАСИ

Ҳур фикрли, билимдон, кенг дунёқарашли, ижодкор ёшларни тарбиялаш — бугунги куннинг бош вазифаси. Ўрта мактабда эса айнан ана шу хусусиятлар таркиб топтирилади. Адабий таълим инсоний сифатларни тарбиялаш, таълим ва тарбия муштараклигига эришиш борасида кенг имкониятларга эга. Мактаб адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг бадиий асарни ҳис қилиш ва тушуниш қобилияти тарбияланади, уларнинг эстетик дидлари, маънавий бойликка интилиш туйғулари шаклланади. Буларнинг барчасига дарс жараёнидаги адабий таҳлил воситасида эришилади.

Бадиий асарни идрок этиш унинг бадиийлигини ҳис қилишдан, образлар қатига яширинган маъноларни ўқишдан, бадиий умумлашмалар мазмунидан ҳаётий хулосалар чиқаришдан бошланади. Бундай малака ўрта мактабнинг бошланғич синфлариданоқ, шаклланиб боради. Аниқроғи, қуйи синфларда бадиий асарни ифодали ўқиш, уни ҳис этиш ва тушуниш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу кўникмалар асосида кейинчалик мустақил таҳлилга ўтилади, ўқувчиларда адабий таҳлил малакаси шакллана бошлайди. Хўш, бугунги ўрта мактабларда адабиётдан бундай зарур билим ва малака қай йўсинда таркиб топтирилади? Ўқувчиларга қандай зарур билимлар сингдирилиши керак? Адабий таҳлил жараёнини қандай тасаввур қиласиз? Бу каби саволларга адабиётшунос олима, филология фанлари номзоди Марғубахон Миркосимованинг «Адабий таҳлил методикаси» (Тошкент, 1993 й.) номли қўлланмасидан жавоб топиш мумкин.

Қўлланма республика Халқ таълими вазирлигининг илмий-методика кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. У асосан икки бўлимдан иборат бўлиб, муаллифнинг шеърий ва насрий асарлар таҳлили тизимини методик нуқтаи назардан ёритишга оид тавсиялари, шахсий тажрибаси натижаларидан, дарс намуналаридан ташкил топган. Муаллиф ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришнинг самарали усулларини бевосита ўз иш тажрибасида синовдан ўтган аниқ мисолларга таяниб ёритишга эришган. Унинг мулоҳазалари, хулосалари амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунга қадар ўрта мактаб ўқувчиларини адабий матн устида ишлашга ўргатиш масаласи кўпчилик ўқитувчиларнинг эътиборидан четда қолаётган эди. Муаллиф айнан матн устида ишлаш ўқувчиларга асар бадиий хусусиятларининг намоён бўлишини, матн мазмунининг шаклий воситаларини, бадиий хусусиятларини англаш имкониятини беришини уқтиради. Шу боис мактабда адабий таҳлилни матн устида ишлашдан бошлаш керак, деган нуқтаи назарни илгари суриб, ўқувчиларни амалий ишга тайёрлаш босқичлари, иш юритиш талаби, бу борада ўқитувчи зиммасидаги вазифаларга батафсил тўхталади. Айниқса, қўлланманинг биринчи бўлимида тадқиқотчининг ўзига хос нозик кузатишлари, таҳлиллари ўрин эгаллаганки, бу сифат методика илмининг адабиёт назарияси, адабиётшунослик ва адабий танқид равнақининг бугунги руҳига ҳамоҳанг бўлиши лозимлигини мантиқан асослайди.

Маълумки, республикада адабиёт ўқитиш методикаси фани ҳам бошқа ижтимоий фан соҳалари каби узоқ йиллар ҳукмрон сиёсий, синфий мафкура тазйиқи остида умр кечирди. Оқибатда ўрта мактабларнинг эски ўқув дастури ва дарсликларидан жой олган бадиий жиҳатдан саёз кўплаб асарлар ўқувчиларнинг эстетик дидларини хиралаштирди, уларнинг чинакам бадиият сеҳрини ҳис этишларига монелик қилди. Ўрта мактабларда бадиий асарнинг қимматини уларнинг ғоявий мазмунига кўра белгилаш керак, деган тушунча кўпроқ ҳукмронлик қилгани барчага аён. Жамиятни қайта қуриш, демократия ва ошкоралик, жумҳурият миллий истиқлоли, янги ўқув дастури ва дарсликларнинг яратилиши таълим тизимидаги бундай нохуш ҳолатларни бартараф этиш зарурлигини амалда кўрсатди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Марғубахон Миркосимованинг «Адабий таҳлил методикаси» қўлланмаси Ўзбекистонда ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш методикаси фанини замонавий талаблар асосида ривожлантириш ишига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Қўлланмада муаллиф XX аср ўзбек адабиётининг турли даврларида ижод қилган ўнга яқин шоир ва ёзувчи ижодини хилма-хил усулда ўрганиш, таҳлил юритиш намуналарини тавсия этар экан, асосан бугунги таълимнинг бош талабидан келиб чиқиб фикр юритади, ўқувчиларни ижодий фикрлашга, мустақил таҳлил юритишга йўллаш, иқтидорли ёшлар билан ишлашда фақат ўқув дастурида белгиланган материаллар билан чегараланмасдан, хилма-хил услубга эга ижодкорлар асарларини мутолаа этиб, ижодий тақризлар, адабий мақола, реферат ишлари, маърузалар ташкил этишга, китобхонлар анжуманларини ташкил этишга аҳамият бериш лозимлигини асослайди. Бу борада олиманинг, айниқса, Чўлпон, Усмон Носир, О. Ёқубов ижодини ўрта мактабда ўрганишга доир шахсий кузатишлари, фикр ва тавсиялари диққатга сазовор. Тадқиқотчининг фикрича, таълим ва тарбия муштараклиги ўрта мактабдаги адабий таълим йўналиши экан, у ерда ҳар қандай бадиий асар таҳлили жараёнида зарур назарий билимлар сингдирилиши ва бадиий умумлашмаларнинг ҳаётий қиммати ёритилиши зарур. Муаллиф ўз китобида буни назардан қочирмаган ҳолда ўқувчиларда таҳлил малакасини шакллантириш усулларидан фойдаланиб, маънавий тарбияга эришиш йўлларини тавсия этган.

Истеъдодли адабиётшунос олиманинг изланишлари бугунги кунда барча соҳаларда рўй бераётган янгиланиш даврининг маҳсули, адабиёт ўқитиш методикасига бўлган катта эҳтиёжлар ҳосиласидир. Фан соҳасидаги янгича талқинлар, ўзига хос йўналишлар эса ҳамиша хилма-хил фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқаради, баҳслар кўзғайди, натижада мазкур жабҳаларда ҳам сифат ўзгаришлар рўй беради.

Шерали ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиётшунослик институтининг катта илмий ходими.

КАТТА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

«ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АСОСИЙ ИМЛО ҚОИДАЛАРИ» ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМАСИ ҲАҚИДА ЯКУНЛОВЧИ МАҚОЛА

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича тузилган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилганига ҳам беш ойдан ошди. Лойиҳани яратиш бўйича олиб борилган амалий, ташкилий ишлар, янги имло қоидалари тўпламининг амалдаги (1956 йилда қабул қилинган) қоидалар тўпламидан фарқли, ундан афзал томонлари ҳақида «Лойиҳа»га ёзилган кириш қисмида айтиб ўтилган. Муҳокама давомида ҳам булар ҳақида кўп фикрлар билдирилди. Уларни такрорлашга ҳожат йўқ. Биз муҳокама давомида янги қоидалар тўпламига берилган умумий баҳо, Лойиҳанинг ютуқ — камчиликлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг, таклифларнинг характери, уларга Лойиҳани тузган ишчи гуруҳнинг муносабати кабилар билан муҳокама иштирокчиларини, умуман, жамоатчиликни хабардор қилишни лозим топдик.

1994 йилнинг 16 апрель куни Тошкентда республика илмий жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида лойиҳа дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Унда республиканинг барча вилоятларидан юзга яқин олим, амалиётчи мутахассислар қатнашди. Муҳокамада иштирок этганларнинг барчаси ўзбек тилининг янги имло қоидалари тўпламини маъқуллаган ҳолда, лойиҳани яна ҳам мукаммаллаштириш, камчиликларини бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

Мазкур йиғилиш қарори асосида «Маърифат» газетасининг 1994 йил 6 июль, «Халқ сўзи» газетасининг 7 июль сонида янги имло қоидаларининг қайта ишланган лойиҳаси эълон қилинди ва унинг муҳокамаси салкам икки ой давом этди. Шу вақт давомида «Маърифат», «Халқ сўзи» газеталари саҳифаларида эълон қилинган мақолалардан ташқари, шу газеталар таҳририятига, давлат комиссиясига, Фанлар академиясига илмий ўқув муассасаларидан, фуқаролардан янги имло қоидалари лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган жуда кўп хатлар (материаллар) келди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, республиканинг барча вилоятлари ҳокимликларидан имло қоидалари лойиҳаси бўйича ўз вилоятлари вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни, таклифларни умумлаштирган материаллар ҳам олинди. Умуман, ўзбек тилининг асосий имло қоидалари лойиҳасининг муҳокамаси учун етарли муддат, шарт-шароит, имкониятлар яратилди ва жамоатчилик бу муҳокамада фаол иштирок этди.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашга ўзимизни бурчли ҳисоблаймиз. Маълумки, ўзбек тилининг алифбоси ва имло қоидаларини такомиллаштириш масаласи узоқ йиллардан буён энг муҳим ва мураккаб муаммолардан бўлиб келди. 70-йилларнинг охирларига келиб бу масала жиддий тарзда кун тартибига қўйилди ва Ўзбекистон Фанлар академияси нинг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ташаббуси билан «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» тўплами (лойиҳа) яратилиб «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1981 йил 8 август сонида муҳокама учун эълон қилинди. Муҳокама бир йил давом этиб, унда кенг жамоатчилик фаол иштирок этди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда лойиҳанинг янги варианти тайёрланди. Лекин маълум сабаблар билан бу борадаги ишлар тўхтаб қолди ва, ниҳоят, лойиҳанинг янги варианти «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1988 йил 30 январь сонида эълон қилинди.

Шундан сўнг лойиҳа юзасидан матбуот саҳифаларида, олий ўқув юртларида ва бошқа жойларда кенг муҳокамалар олиб борилди. Лойиҳа муҳокамасига бағишлаб махсус йиғилишлар, ҳатто, илмий-амалий конференция ўтказилди. Муҳокамаларда, эълон қилинган ва эълон қилинмаган материалларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда имло қоидалари лойиҳаси қайта ишланиб Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг махсус қарори билан тузилган 25 кишидан иборат имло комиссиясига топширилди. Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазалари асосида комиссия бюроси лойиҳани кўриб чиқиб, уни маъқуллади ва охирги муҳокама учун тавсия этди. Айни вақтда Ўзбекистон Компартияси МКга ЎзФА президентининг янги имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги таклифи тайёрланди. Лекин деярли ўн йилдан ортиқ олиб борилган ишлар якунига етказилмади. (Бу ерда унинг сабаблари ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ).

Юқоридагиларни айтишдан мақсад шуки, 80-йилларда ўзбек тили имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишлар билан жуда катта натижаларга эришилган эди ва 1956 йилда тасдиқланган имло қоидалари тўпламига нисбатан анча мукаммал такомиллашган қоидалар тўплами яратилган эди. Қўлга киритилган бу ютуқлар янги алифбомиз асосидаги янги ёзувимизнинг имло қоидаларида ўз ифодасини топган. Бу ютуқларни қўлга киритишда тилшуносларидан марҳум Аюб Ғуломов, Фаттоҳ Абдуллаев, Собиржон Иброҳимов каби олимларимиз хизматларини алоҳида қайд этишни истар эдик.

Хуллас, муҳокамадан ўтиб тасдиқ учун тақдим этилаётган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» қисқа муддатда бажарилган, осонгина меҳнатнинг маҳсули эмас. Уни тузган ишчи гуруҳи аъзолари эса бу қоидалар тўпламини асло фақат ўз меҳнатларининг маҳсули деб бўлмайдилар. Бу қоидалар тўплами мамлакатимиздаги минг-минглаб зиёлиларнинг узоқ йиллардан бери илмий-амалий асосда, бамаслаҳат олиб борган ишларининг самарасидир.

Энди янги имло қоидалари лойиҳаси муҳокамасининг руҳи, муҳокамада билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг характери, уларга муносабатда, яъни уларни ҳисобга олиш ёки ҳисобга олмасликда (маъқуллаш ёки маъқулламасликда) нималарга асосланганимиз ҳақида қисқача тўхтаб ўтишни лозим топамиз.

1. Аввало айтиш керакки, «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» лойиҳаси Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган янги алифбо асосида тузилди.

2. Қоидалар тўпламини яратишда қоидаталаб тил ҳодисаларини эътибордан четда қолдирмасликка, уларни тўла қамраб олишга ҳаракат қилинди. Натижада амалдаги қоидалар тўпламига нисбатан мукаммал қоидалар тўплами яратилди. 1956 йилда қабул қилинган имло қоидалари тўплами билан янги тузилган имло қоидалари тўплами қиёсланса, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

3. Имлога алоқаси бўлмаган тил ҳодисаларига, шунингдек, қоида бериш талаб этилмайдиган тил бирликларига янги имло қоидалари тўпламида ўрин берилмади. Бу билан қоидалар тўпламининг ихчам бўлишига эришилди. Бу эса, ўз навбатида, зарур бўлган имло қоидаларини тез ва тўла билиб олишга ёрдам беради (Амалдаги ва янги қоидалар тўпламлари қиёсланса, бу жиҳатдан бўлган ўзгаришларни яққол сезиб олиш мумкин).

Умуман, имло қоидалари тўпламида бирон вазифа бажармайдиган, ортиқча белги ёки ҳарфнинг бўлишига йўл қўймаслик керак. Бу жиҳатдан қуйидаги бир ҳодиса характерлидир. Маълумки, 1956 йили қабул қилинган имло қоидаларига қадар ҳозирги замон феълининг **-яп (-йап)** қўшимчаси билан ясалувчи шакли (ундош билан тугаган феъллардан) **бораяпти (борайапти), келаяпти (келайапти)** шаклида ёзилар эди. 1956 йилда қабул қилинган қоидалар тўпламида эса бу феъл шаклини **боряпти (борйапти), келяпти (келйапти)** тарзида ёзиш тавсия этилди ва жуда тўғри қилинди. Чунки ҳозирги замон феълининг **-яп (-йап)** қўшимчаси билан ясалувчи шакли қўлланадиган феълларда бу қўшимча олдида **а** ишлатилмайди. Шунингдек **-ят (-йат), -вот** қўшимчаси билан ясалувчи ҳозирги замон феъллларида ҳам бу қўшимчалар олдида **а** ишлатилмайди: **борйатти, келйатти: борвотти, кевотти** каби. Шундай бўлиши табиий (қонуний). Чунки **яп- (-йап)** қўшимчаси билан ясалувчи ҳозирги замон феълининг келиб чиқишига асос бўлган шаклда ҳам ҳозирги замон кўрсаткичидан олдин **а** бўлмаган: **борйатипти > борйапти.** Бу нарса илмий адабиётларда аллақачон исботланган. Шунинг учун янги қоидалар тўплами муҳокамасида айрим ўртоқларнинг **-яп (йап)** қўшимчасидан олдин **а** ёзиш ҳақидаги таклифларини номақбул, илмий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам асоссиз деб топдик.

4. Имло қоидаларини беришдан асосий мақсад тил ҳодисаларини ёзишда бир хилликни таъминлашдир. Ҳар бир қоиданинг тўғри ва мақбуллиги ҳам худди шу мақсадга қай даражада хизмат қила олиши билан белгиланади. Масалан, амалдаги имло қоидаларида кўмакчиларнинг, шунингдек кўмакчи феълларнинг ажратиб ёзилиши қайд этилган. Шу вақтгача бу сўзларнинг имлосида ҳеч ким хатога йўл қўймаяпти, қоида ниҳоятда содда, яхлит ва имлода бир хиллик бўлишини таъминлаб келяпти. Демак, бу қоида талабга жавоб берадиган энг мақбул қоидалардан ҳисобланади. Муҳокамага тақдим этилган янги имло қоидалари тўпламида ҳам мазкур қоида сақланган ва муҳокама давомида бу қоидага бирон-бир эътироз бўлгани йўқ. Аксинча, умуман, қўшма сўзлар ҳақидаги қоидалар муҳокама қатнашчилари томонидан маъқулланди. Филология фанлари фактори Насим Маматовнинг қўшимча сўзлар имлоси ҳақидаги материали билан ҳам ишчи гуруҳи аъзолари танишиб чиқдилар. У қўшиб ёзишни таклиф этган қўшма сўз турларининг маълум қисми янги имло қоидаларида ҳам қўшиб ёзилади деб қоидалаштирилган. Шу билан бирга Н. Маматовнинг кўпгина таклифлари чуқур илмий асосга эга эмаслиги боис инобатга олинмади.

5. Лотин ҳарфлари асосидаги янги алифбода я, ю, ё ҳарфлари, шунингдек, айриш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари йўқлиги маълум. Муҳокама материалларининг айримларида илгари шу ҳарф ва белгилар ишлатилган сўзларнинг энди қандай ёзилиши ҳақида қоида бериш кераклиги айтилган. Ишчи гуруҳ Лойиҳани тузаётганда бу масалага алоҳида эътибор берди. Шу нарса маълум бўлдики, биринчидан, бундай сўзларнинг имлоси ҳақида ягона қоида бериш мумкин эмас, айримларининг имлоси учун эса умуман қоида талаб этилмайди. Масалан, **сентябрь, октябрь, ноябрь** сўзлари янги имлода **сентябр (sentabr), октабр (oktabr), нойабр (noyabr)** тарзида ёзилади. Демак, биринчидан, **я** ҳарфи ўрнида энди икки ҳарф (**у** ва **а**) қўлланади» деган умумий қоида бериб бўлмайди. Иккинчидан, «илгари охирида юмшатиш (ь) белгиси қўлланган сўзлар энди юмшатиш белгисисиз ёзилади »деган қоидага эҳтиёж йўқ (Чунки алифбода бу белгининг ўзи йўқ). Кўриб ўтилган хилдаги ва бошқа кўпгина сўзларнинг (**Европа — Овропо** каби) имлоси, вариантларидан қайси бирини қўллаш кераклиги имло луғатлари, жой номлари луғатлари, шунингдек исмлар луғатларида қайд этилади.

Юқорида айтилганлар «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» лойиҳасини тузиш ва муҳокама қилиш жараёнида ишчи гуруҳининг бажарган ишлари, қандай таклифларни қабул қилган ёки қабул қилмаганлиги, бунинг сабаблари ҳақида умумий тасаввур беради деб ўйлаймиз. Имло қоидалари тўпламининг мукаммаллигини таъминлашга фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан ўз ҳиссаларини қўшган барча ўртоқларга ишчи гуруҳи номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Азим ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ишчи гуруҳи бошлиғи.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида ўтказилаётган «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманининг (ЎТДА) навбатдаги йиғини 1995 йил апрель ойида Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилади.

Анжуман муҳокамасига қўйилган бош масала: «Ўзбек тили машғулотларида ўқувчилар луғат бойлигини ошириш». Анжуманда халқ таълимининг барча бўғинларида она тили, эски ўзбек ёзуви, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳлардаги ўзбек тили машғулотларида ўқувчилар луғат бойлигини ошириш масалалари хусусида фикр юритилади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларининг юқорида зикр этилган масала юзасидан мунозарали маърузалар билан ЎТДА учинчи йиғинида иштирок этишларини сўрайди.

Маърузанинг 1—2 бет ҳажмдаги қисқача баёнини (машинка ёзувида) 1995 йил 1 январгача Жиззах, 708000, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, Жиззах давлат педагогика институти «Ўзбек тили» доимий анжумани ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади. Тезисларда иш жойингиз ва уй манзилингизни кўрсатишни унутманг.

Она тилимиз жонкуярлари, баҳсга, мунозарага марҳамат.

Республика ўқув-методика маркази.

Республика ижодкор ўқитувчиларининг III анжумани олдидан

МАҚСАДИМГА ЭРИШДИМ

Баъзан ўтди кунларим энг яхши улфат билан,
Тонг оттирдим кўнгилга ёқувчи суҳбат билан.

Баъзан қилган юмушим самарасиз, хом бўлди,
Баъзан эса иш қилдим самара, суръат билан.

Баъзан ўтган кунларим зерикарли, ташвишли,
Баъзан дуч келиб қолдим хушчақчақ фурсат билан.

Беҳудага ўтказма ҳар дақиқа умрингни,
Кун ўтганин сезмайсан банд бўлсанг меҳнат билан.

Шуни билдимки, Тўра, ишонч яхши инсонга,
Мақсадимга эришдим иш қилиб журъат билан!

ЭСИНГ БЎЛСА...

Эсинг бўлса узоқда юр номард остонасидан,
Эгри бўлган-чун қочади ўқ камон хонасидан.
Анқовларни алдамоққа тайёрдирлар айёрлар,
Тузоғига тушма татиб ноз-неъмат донасидан.

Саломидан билинади ичи қора, муғомбир,
Яхши ҳосил билинади экиннинг шонасидан.

Эл қарғиши кам бўлгандай баъзи эгри қўл, ваҳший
Кўплаб қарғиш эшитади ўз туққан онасидан.

Ёмонларнинг ҳийласи кўп деган гапда жон бордир,
Севинма ҳеч муғомбирнинг топган баҳонасидан.

Қадамингни ўйлаб босгин, кўролмовчи бор, Тўра,
Эсинг бўлса узоқда юр номард остонасидан.

Тўра ЖУМАН.

Шаҳрисабз тумани.

СЕНГА БАХТ ТИЛАЙМАН

Осмонга қўл етмас, ер гўёки тош,
Нотанти кимсага, ёр, бўлдинг йўлдош,
Менга-ку, топилгай дарддош, кулгидош—
Сенга бахт тилайман, кўзларимда ёш—
Эй, ёр, этагингда гуллар кўкарсин!

Биламан, оғирдир кўзингдаги гард,
Асло унут бўлмас қалбингдаги дард.
Нетай, ўзинг қилдинг ишқинг жувонмарг,
Қўй, энди куюнма, кўз ёшингни арт!
Эй, ёр, азобингни йўллар кўтарсин!

Мени ахтармагин сабо, еллардан,
Номимни сўрама ошно, эллардан,
«Тупроқ кўчаларнинг» чанги босилсин —
Унут бўлсин бизнинг достон тиллардан,
Эй, ёр, юракларнинг занги арисин!..

Эй ёр, кўзларингни яшир, ночорман,
Ҳолим йўқ, жон ўртар дийдаларингга!
Ҳажрингга ёрман-у, васлингсиз зорман,
Бошимни қўёлмам сийналарингга,
Эй, ёр, азобингни йўллар кўтарсин!..

Осмонга қўл етмас, ер гўёки—тош,
Нотанти кимсага, ёр бўлдинг йўлдош!
Менга-ку топилгай, дарддош, кулгидош—
Сенга бахт тилайман, кўзларимда ёш—
Эй ёр, этагингда гуллар кўкарсин!..

* * *

Дедимки, мен сени кўрмасман асло,
Соядай ортингдан юрмасман, асло!
Севгилим, сен ойсан, қўлим етмагай—
Зарин сочларингни ўрмасман асло!
Фақат, сен бахтли бўл!

Ифорли гулларнинг барчаси сенга!
Оҳорли дилларнинг барчаси сенга!
Сенинг ҳажринг менга энг улуғ бахтдир —
Бу бахтни мен насиб кўрмам ҳеч кимга!
Фақат, сен бахтли бўл!

Фақат, сен бахтли бўл, бахтинг кўрайин,
Кўнглим дарчасига боқма нурдайин.
Масрур толеингдан қалбим қувониб —
Энтикиб-энтикиб йиғлаб юрайин,
Фақат, сен бахтли бўл!..

Абдулла ВАХШИВОРИЙ.

Олтинсой.

ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

Ҳамон ёдимда. Очиқ дарс тугагач, ўқитувчини бутун тумандан келган ҳамкасблари самимий табриклашди. Ўшанда Юнусобод туманидаги собик 27-, ҳозирги 274-ўрта мактаб республика педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг таянч базаси ҳисобланарди. Шу даргоҳдан ташриф буюрган домлалардан бири ҳаяжонда устозлар фикрини кутаётган математика ўқитувчиси Эркин Жамоловга мамнунлик билан қараб шундай деди:

— Билимни ўқувчилар онгига қуйиб қўя қолдингиз, дарс ўтиш услубингиз ҳам маъқул. Айниқса, мавзуни пухталашга етарли вақт қолдирганингиз ва бир неча ўқувчидан сўраб улгурганингиз жуда ўринли бўлди. Раҳмат, Сизга!

Очиқ дарсга келган ўқитувчилар раҳбари эса йиғилганларга Эркин акани-нг сабоқ бериш услуби ҳақида республика матбуотида бир неча бор ёзилгани тўғрисида сўзлаб берди.

Шу куни устозимга ҳурматим янада ошганини яширмайман. Математикага чин меҳр қўйиб қолдим. Эркин Жамоловдек билимдон, камтар ва ишчан ўқитувчи бўлиш бирдан бир орзуим эди. Ниятимга етдим. Мана, муаллимлик қилаётганимга ҳам 15 йилдан ошди. Қачон қийинчиликка дуч келсам, 40 йилдан ортиқ тажрибага эга устозимга мурожаат қиламан. Домла оёққа қўйган 50 га яқин шогирдлари қаторида у киши билан ёнма-ён бир мактабда ишлаётганимдан қувонаман.

Мактабимиз жамоаси, ота-оналар Эркин Жамоловни талабчанлиги ва тўғри сўзлиги учун беҳад ҳурмат қиладилар. Домла 60 ёшга чиқибдиларки, ўз устиларида ишлашдан эринмайдилар. Математикага оид журналлар, рисолалар доим у кишининг ҳамроҳи. Устознинг самарали меҳнатларини республикамиз ҳукумати муносиб тақдирлаган.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Эркин Жамолов умр йўлдошлари — бошланғич синфларга 40 йилдан ортиқ дарс берган заҳматкаш муаллима Насиба Каримова билан тўрт фарзандни вояга етказди. Бу оиланинг келинлари Муҳайёхон, қизлари Азизахон ҳам ўқитувчилик касбини танлаб, оталари дарс берган мактабда ёш авлодни тарбиялашмоқда. Бундай оилага ҳавас қиласан, киши.

Раҳима СУЛТОНОВА,
муаллима.

СУРАТДА: тажрибали педагог Эргаш Жамолов машғулот ўтказмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА ТЕЛЕРАДИО КОМПАНИЯСИ 1994—95 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАГАН ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ МАВЗУЛАРИ

СЕНТЯБРЬ

Зоология (7-синф). Қўғимоёқлилар синфи — 14 сентябрь.

Математика (9-синф) Функция, квадрат. Функция графиги — 29 сентябрь.

Умумий биология (10-синф). Биология фанининг ривожланишига Беруний ва ибн Синоларнинг қўшган ҳиссалари — 21 сентябрь.

Физика (10-синф). Модда тузилишининг молекуляр-кинетик назарияси асослари — 14 сентябрь.

Математика (10-синф). Тригонометрик функциялар — 22 сентябрь.

Давлат ва ҳуқуқ асослари курси (10-синф). Ўзбекистон Республикасида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш — 15 сентябрь.

Адабиёт (10-синф). Алишер Навоий лирикаси —27 сентябрь.

Умумий биология (11-синф). Ҳужайранинг кимёвий таркиби — 28 сентябрь.

Физика (11-синф). Ампер қонуни ва унинг баъзи тадбиқлари — 20 сентябрь.

Адабиёт (11-синф). Абдулла Авлоний — маърифатпарвар олим — 22 сентябрь.

ОКТЯБРЬ

Тиббиёт (5-синф). Ер-қўёш тизимидаги сайёра — 6 октябрь.

Ботаника (6-синф). Ҳужайраларнинг ўсиши ва бўлиниши — 5 октябрь.

Зоология (7-синф). Балиқлар синфи — 12 октябрь.

Информатика (8-синф). Электрон-ҳисоблаш машинаси — 4 октябрь.

География (9-синф). Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари — 4 октябрь.

Физика (9-синф). Тўғри чизиқнинг нотекис ҳаракати — 19 октябрь.

Математика (9-синф). Тенгсизликларни ечиш, оралиқлар усули — 26 октябрь.

Адабиёт (9-синф). Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асари — 18 октябрь.

Физика (10-синф). Термодинамика қонунлари — 18 октябрь.

Умумий биология (10-синф). Дарвин таълимоти. «Тур ва унинг критерийлари, структураси» — 19 октябрь.

Адабиёт (10-синф). А. Навоий «Хамса» достонлари — 25 октябрь.

Умумий биология (10-синф). Ҳужайранинг тузилиши — 26 октябрь.

Физика (11-синф). Электромагнит индукция ҳодисаси — 13 октябрь.

Информатика (11-синф). Бейсикда алгебрик ифодалар — 11 октябрь.—

Математика (11-синф). Дифференциал тенгламалар — 27 октябрь.

(Давоми кейинги сонларда).

ЯНГИ ДИРЕКТОР

Воқеий ҳикоя

Туманда яккаю ягона ҳунар-техника билим юрти директорга ёлчимас, ҳар икки йилда эскиси кетиб, янгиси келарди.

Директор ўринбосари Ҳотам Ҳаққулов тўққизинчи директор билан иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. У янги директор олдига дарс тақсимоти, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари, техник ходимларни меҳнат таътилидан кейин ишга қайта тайинлаш ҳақидаги буйруқларга қўл қўйдиришга кирди.

— Нусрат Суннатович, сиздан бемаслаҳат Муҳаббатхонни тикувчилик бўйича усталикка ишга олувдик.

— Тикувчилик бўйича маълумоти қандай, дипломи борми? Ҳужжатлари билан мен бир танишай!— деди директор.

— Мен ҳаммасини кўрдим. Ўзи истеъдодли аёл, тикувчиликда тенги йўқ. Шундай нарсалар тикадики, илоннинг оғзидан чиққандай бежирим. Менга ишонаверинг!

Нусрат Суннатович ўринбосарининг юзидан ўтолмай, буйруққа имзо чекди.

Ўқитувчилар куни яқинлашаётган эди. Ҳотам Ҳаққулов мукофотга тавсия этиш учун етти кишининг рўйхатини олиб кирди. Директор рўйхатни синчиклаб ўқиб чиққач, қоғоздан бош кўтариб қайратомуз сўради:

— Мана бу Муҳаббатхон Худойбердиевани яқинда ишга олувдик шекилли? Билим юртимизда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётганлар бордир? Касаба уюшмаси билан ҳам бир маслаҳатлашиб кўрайлик.

— Гапингиз тўғри, Нусрат Суннатович, лекин ёш, истеъдодли ходимларнинг ҳам кўнглини кўтариш керак! Ўзи жуда меҳнатсевар, тиришқоқ, интизомли аёл,— деди Ҳотам Ҳаққулов эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

Директор ўринбосарни ранжитмаслик мақсадида у тавсия қилган аёлни рўйхатдан ўчиришни ўзига эп кўрмади.

Кунларнинг бирида билим юртига вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан янги трактор ажратилди. Ҳотам Ҳаққулов уни ўз жияни Муҳаммадаминга бериш тўғрисида буйруқ тайёрлаб, директор ҳузурига кирди.

— Шошилманг, бу масалани бир маслаҳатлашиб оламиз. Саккиз-ўн йилдан буён навбатда туриб ишлаётган ходимларимиз бор, — дея ўйланиб қолди директор.

— Нусрат Суннатович, сиз директор бўлганингиздан буён аҳволимиз шу, мен арра десам, сиз теша, дейсиз! Ахир мен ўринбосарингизман, бундан ташқари, бу ернинг тузини кўпроқ ялаганман. Бирон марта мен айтган гапни қилмайсиз! Бизнинг гапимиз қачон ҳисобга ўтувдики, энди инобатга олинади,— гина қилиб қовоқ солди ўринбосар.

— Бир гап айтса лов этиб ёниб кетасиз, мен сизга ҳақ гапни гапиряпман.

— Гапингиз тўғри, Нусрат Суннатович, лекин ёш, истеъдодли ходимларнинг ҳам кўнглини кўтариш керак-да. Янаям ўзингиз биласиз... Зоримиз бору зўримиз йўқ.

Директор бу сафар ҳам буйруққа имзо чекиб қутилди. Ҳаққулов жиянидан бир тахлам йигирма бешталикни олиб қўйнига урди-ю, трактор унга топширди. Орадан кўп ўтмасдан халқ таълими бўлими кўчма кенгашида Нусрат Суннатович устидан тушган шикоят хати муҳокама қилиниб, қуйидаги қарор қабул қилинди:

«Нусрат Суннатович маиший бузуқлиги, чунончи ўрта маълумотли, тикувчиликдан бехабар Муҳаббатхон Худойбердиевани усталикка қабул қилиб, олий маълумотли мутахассислик маошини тўлаганлиги, бир йил ҳам иш стажига эга эмаслигига қарамай, йирик суммада мукофотлагани, Муҳаммадамин деган тажрибасиз йигитчага пора эвазига трактор берганлиги учун ишдан бўшатилсин».

Бу қарордан ҳангу манг бўлган Нусрат Суннатович Ҳотам Ҳаққуловга ялт этиб савол назари билан қараб:

— Бу қанақаси?!!— дея жиғибийрон бўлди.

Йиғилишда Ҳотам Ҳаққуловга сўз берилди.

— Мен директоримиз буйруғини бажардим, холос,— деди у елка қисиб.

Мирфайз ҚОЗОҚОВ,
Пешку туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар ижодий уйи директори.

ЕТТИ ЎЛЧАЙДИГАН ЗАМОН

«Маърифат» рўзномаси республикамиз маорифчиларининг, шунингдек, бошқа жумҳуриятлардаги ўзбек мактаблари муаллимларининг минбари ҳисобланади. Унинг саҳифаларида ўқитувчиларнинг дарди, қувончи, ўй-ташвишлари, бола тарбиясига оид маслаҳатлари, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш борасидаги мулоҳазалари, таклифу истаклари акс этади.

Таҳририятимизга келаётган мактублар оқими ёз бўйи ҳам тўхтагани йўқ. Бу давр мобайнида мингдан зиёд хат-хабар, ариза-шикоят, савол битилган номалар олдик. Муштарийларимиз ўқув йилининг якунлари, ўқитишни такомиллаштириш борасидаги услубий тавсиялари, муаллимлар иш тажрибаси, дарсликлар савияси, ёзги соғломлаштириш ишлари, оромгоҳлар фаолияти, ўқув муассасаларини қуриш ва таъмирлаш, оталиқ ташкилотларининг беминнат ёрдамлари, анъанавий август кенгашларига тайёргарликлар, тест синови ҳаяжонлари ҳақида ёзиб юборганлар.

Мактубларда халқ таълимидаги барча ўзгаришлар акс этиб туради. Жамоатчи мухбирларимиз газетани қандай қилиб янада қизиқарли қилиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид қимматли фикр-мулоҳазаларини, ўз ўрнида танқидий қарашларини ҳам ёзиб юборадилар. Биз мақолалари, хабарлари билан камарбаста бўлиб келаётган жамоатчи мухбирларимиз — андижонлик Ш. Келдиев, Ҳ. Рустамов, самарқандлик Ш. Отақулов, Н. Эшқувватов, М. Бобоқулов, фарғоналик устоз ўқитувчи Ҳ. Рустамов, қашқадарёлик Ш. Орифий, Б. Боборахматов, Х. Тўраев, А. Обиддинов, тошкентлик Р. Ҳасанов, Ҳ. Йўлдошев, Қ. Тўлебоев, М. Қаюмов, М. Самадов, бухоролик А. Ҳайдаров, олимлардан М. Муродов, Қ. Абдуллаева, Ҳ. Узоқов, Б. Насриддинов, М. Жабборовларга катта миннатдорчилик билдирамиз.

Газетамизда эълон қилинган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» лойиҳаси барча билим аҳли томонидан қизғин кутиб олинди. Кўплаб ўқитувчилар, тилшунос олимлар лойиҳа юзасидан қимматли фикрлар билдириб, тилимиз тараққиётига бефарқ эмасликларини намоён қилдилар.

Ўқитувчилик — халқимиз эъзозлайдиган шарафли, олижаноб касб. Бу эъзозга муносиб бўлиш учун ўқитувчи доимо ўқиши-ўрганиши, изланиши, ҳаёт билан баробар қадам ташлаши, ўқувчиларини ўз фарзандидек севиши, қалбини тушуниши, ўзининг чуқур билими, салоҳияти, ақл-заковати, хуш одоби билан уларга ибрат бўлиши керак.

Мактубларни ўқиб...

«Жамоамизга ёш бўлса ҳам ишнинг кўзини биладиган инглиз тили мутахассиси Мавлудахон Ортиқова раҳбарлик қилади», — дея мактуб йўллабди Учқудуқ туманидаги И. Охунов номидаги махсус тиббиёт лицей-интернати ўқитувчиси М. Зокиржонова. Хатда фидойи раҳбарнинг инсоний фазилатлари — ҳар бир кишини тинглай олиши, ўқитувчининг машаққатли меҳнатини қадрлай олиши битилган. М. Ортиқова раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари аҳил-иноқ, ишда фаол. Муаллиф раҳбар муаллима қатор мамлакатлардаги ҳамкасблари билан хат ёзишаётганини, унинг ўқувчилари инглиз тилида бурро сўзлашаётганини, икки ўқувчиси халқаро дипломатия университетига ҳужжат топширганини алоҳида қайд этибди.

Паркент туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси П. Эгамбердиева эса аксинча, мактаб раҳбари М. Абдуллаев хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, таълим-тарбия ишларини бўшаштириб юборгани ҳақида куюниб ёзган. Ушбу мактуб текшириш ва чора кўриш учун вилоят халқ таълими бошқармасига юборилган эди. Текшириш натижасида ундаги далиллар тасдиқланди ва мактаб директори эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди. Бундай хатлар кишини ўйга толдиради. Шикоят-ариза-лар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари баъзан ўша ернинг ўзидаёқ ҳал қилиш мумкин бўлган масалаларга эътибор бермайдилар, ўқитувчиларнинг арз-додига қулоқ солмайдилар. Ҳолбуки, ойлавий жанжал кўчага чиқмай туриб, ҳал қилингани маъқул.

Мирзачўл тумани Усмон Носир номидаги 8-мактабдан юборилган шикоят хати текширилганда тасдиғини топмаган. Мактуб муаллифи — Х. Болтаева исм-шарифли аёл мактабда ишламас экан. Редакция ходимлари ҳар бир хат орқасида тирик инсон турганини чуқур ҳис қилган ҳолда шикоят ва аризаларга катта эътибор билан қарайдилар, зарур ёрдамни аямайдилар. Лекин бу каби бировнинг номидан хат ёзувчи кишиларга нима ҳам дейиш мумкин?...

«Буғдой» нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин», дейди халқимиз. Бу мақолни мен ўқитувчи халқига қарата кўпроқ ишлатгим келади. Тўғри, бозор иқтисодиёти инжиқликлари туфайли ҳали у деб, ҳали бу деб ноғлиб қоламиз. Лекин ҳозирги қийинчиликлар, етишмовчиликлар вақтинчалик эканини тушунтириш, ёшлар қалбига боғчаданоқ, мактаб партасиданоқ эртанги кунга умид, ишонч, Ватанга садоқат, миллий фахр-ифтихор туйғуларини сингдириб бориш бугунги тарбиячининг, ўқитувчининг энг катта шарафли вазифасидир.

Биз меҳрдан гулдаста ясаб, ўқувчиларига тутаётган қалби қуёш барча муаллимларни истиқлолимизнинг уч йиллиги билан самимий қутлаймиз, айни чоғда улардан кенг қамровли, ранг-баранг мавзудаги мақолалар кутиб қоламиз.

Замира ТЎЛАГАНОВА,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири.

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи: — Айтинг-чи, география картасида Италия қандай шаклда?

Ўқувчи: — Италия резина этик шаклида.

Ўқитувчи: — Тўғри, лекин нега резина этик шаклида?

Ўқувчи: Чунки резина этик шаклида бўлмаса ҳамма ёғидан сув кириб кетади-да!

●

— Бугун яна синф раҳбаринг сендан шикоят қилди,— деди она ўғлига.

— Бўлмаган гап, мен бугун мактабга умуман бормадим-ку, — деди ўғли.

●

— Биласанми, дўстим. Менинг хотиним ит билан мушукни жуда яхши кўради.

— Сенга жуда ҳавасим келяпти. Чунки менинг хотиним қоракўл билан сувсарни севади...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН «ОРИГИНАЛ КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАРНИ ЯРАТИШ» БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Биринчи босқич: 1994 йилнинг 1—5 октябригача туманларда ва фильмотекаларда: иккинчи босқич: 10—15 октябргача вилоят малака ошириш институти ва техника воситалари маркази ҳамкорлигида; учинчи босқич: 1994 йилнинг 8—10 ноябрида Республика ўқув-методика марказида ўтказилади.

Республика босқичига тақдим этилган ўқув кўргазмали қуроллар Республика ўқув-методика марказининг ташкилий қўмитасига 1 ноябргача юборилсин.

Биринчи ўринга 3 та 300 сўм;

иккинчи ўринга 3 та 250 сўм;

учинчи ўринга 3 та 200 сўмдан мукофот берилади.

Мукофотлар Халқ таълими вазирлиги таълим таъминот Бош бошқармасига қарашли «Жаҳонгир» фирмаси томонидан таъсис этилган. Ундан ташқари, кўрик-танлов натижаларига кўра «Оригинал ўқув кўргазмали қурол» деб топилган ишлар муаллифларига «Ихтирочи ўқитувчи» ва «Халқ таълими аълочиси» нишони берилади.

Маълумот учун телефон: 45—79—27.
Республика ўқув-методика маркази.

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

1994 йилнинг 14-, 15-, 16-октябрида шаҳримиз Самарқандда оламга машҳур олим, мўнажжим, математик, файласуф, давлат арбоби, Амир Темурнинг набираси, бизнинг юртдошимиз Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтади.

Олим туғилганининг 600 йиллик санаси ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг қарорида қайд этилган. Шу муносабат билан жорий йилнинг октябрь ойида ушбу юбилейга бағишланган тантаналар Парижда, Истамбулда ва асосийси, Самарқандда ўтказилади.

Шу боис 1994 йил республикамизда «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Бу эсдан чиқмайдиган санани нишонлаш учун дунёнинг кўп мамлакатларидан делегациялар ташриф буюришади. Бу кун илм-фаннинг, маданиятнинг, санъатнинг, яхшилик ва эзгуликнинг ҳақиқий байрамига айланажак. Дунёнинг машҳур фозиллари Оллоҳнинг назари тушган еримизга қадам ранжида этишади. Ва ҳар бир ўзини ва ота-боболари руҳини эъзозлаб ҳурмат этган киши юбилей тантаналарини тайёрлаш ва ўтказиш ишида ўз улушини қўшмоғи даркор. Шу мақсад ила шаҳар ҳокимияти қошида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини юқори даражада ўтказиш учун махсус дирекция ташкил этилди.

Шу муносабат билан 7 сентябрь 17.00 да шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғида, Ҳамза номли ёзги театрда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишланган «Улуғбек юлдузлари» номли байрамолди, хайрия марафон-концерти бўлди.

Хайрия марафони 1994 йил 14—16 октябрда бўлиб ўтадиган якунловчи тантаналаргача давом этади.

Ҳурматли дўстлар, Сизларни «Улуғбек юлдузлари» байрамига таклиф этамиз. Биз Сизларга шаҳримиз ва республикамиз ҳаётидаги бу унутилмас тантанани тайёрлаш ва ўтказиш ишида ўз улушларингизни қўшасиз, деб ишонч билдирамиз.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз 001700309 Самарқанд шаҳар АТ деҳқончилик банки.

Валюта ҳисоб рақамимиз 985070307 Самарқанд шаҳар Миллий банки.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ КУРСЛАРИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти тил таълими маркази шарқ тиллари пуллик курсларига тингловчиларни қабул қилади.

Бу ерда сиз тажрибали муаллимлар раҳбарлигида япон, хитой, корейс, ҳиндий, урду, бангол, уйғур, форс, араб, турк, ўзбек тиллари ҳамда эски ўзбек ёзувини ўрганишингиз мумкин. Битирувчиларга тегишли гувоҳнома берилади.

Ўқиш муддати тингловчилар тайёргарлиги даражасига қараб 3 ойдан 20 ойгача. Дарслар гуруҳлар ташкил этилгандан сўнг бошланади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700060, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 15-уй, 802-хона.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қўқон давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректори Мамлакат Ҳошимовага волидаи муҳтарамаси

Муҳаббат ая

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Шарофат Нарқулова.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—837. 83394 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00.